**3-6-ИЛОВА**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ: | «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки |
| | Қисқартирилган: | «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ |
| | Биржа тикерининг номи: | AABK |
| 2. | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Почта манзили: | 100047, Ташкент шаҳри, Махтумқули кўчаси, 2А |
| | Электрон почта манзили: | info@aab.uz |
| | Расмий веб-сайти: | aab.uz |
| 3. | **МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Муҳим фактнинг рақами: | **06** |
| | Муҳим фактнинг номи: | **Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар** |
| | Умумий йиғилиш тури: | Йиллик |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 30.09.2020 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 09.10.2020 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | 100047, Ташкент шаҳри, Махумқули кўчаси, 2А |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 100,00% |

| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | Овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1. | Банк Кузатув кенгаши Раисининг 2019 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари, шу жумладан амалга оширилаетган назорат ва текшириш фаолияти, ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботини эшитиш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 2. | Банк Бошқаруви Раисининг 2019 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботини эшитиш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 3. | 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 4. | 2019 йил якунлари бўйича банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосасини эшитиш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 5. | Банк фойдасини тақсимлаш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 6. | Банк стандарт активлари бўйича резервни шакллантириш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 7. | Банкда 2019 йил учун корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 8. | Банк Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 9. | Аффиланган шахслар билан битимларни маъқуллаш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 10. | Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни қабул қилиш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |
| 11. | Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш | 100 | 669 926 405 | - | - | - | - |

Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни:

| | |
|---|---|
| 1. | Банк Кузатув кенгаши Раисининг 2019 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари, шу жумладан амалга ошириладиган назорат ва текшириш фаолияти, ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботи ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва 2019 йил якунлари бўйича Банк Кузатув кенгаши фаолиятини қониқарли деб ҳисоблансин. |
| 2. | Банк Бошқаруви Раисининг 2019 йил якунлари бўйича Банк фаолияти натижалари ва Банк ривожланиш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботи ушбу қарорнинг 2-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин ва 2019 йил якунлари бўйича Банк Бошқаруви фаолиятини қониқарли деб ҳисоблансин. |
| 3. | Банкнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини ушбу қарорнинг 3-иловасига мувофиқ тасдиқлансин. |
| 4. | 2019 йил якунлари бўйича банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича Тафтиш комиссиясининг хулосаси ушбу қарорнинг 4-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул |

| | |
|---|---|
| | қилинсин ва Тафтиш комиссиясининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин. |
| 5. | 5.1. Халқаро молия ҳисобот стандартларига (ХМҲС) мувофиқ тузилган 2019 йил учун Банк молиявий ҳисоботи кўрсаткичлари маълумот учун қабул қилинсин. Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ амалга оширилган бухгалтерлик ўтказмалардан сўнг Банкнинг 2019 йил учун соф фойда миқдори 40,620 млрд. сўмни ташкил этди.<br>5.2. Банк томонидан олинган 40 620 677 037,02 сўм миқдордаги соф фойда Банк Кузатув кенгаши таклифига мувофиқ қуйидаги тартибда тақсимлансин:<br>- 5,0% ёки 2 031 033 851,85 сўм умумий заҳира фондига йўналтирилсин;<br>- 7,26% ёки 2 947 465 511,98 сўм стандарт активлар бўйича захирани оширишга йўналтирилсин;<br>- 50,0% ёки 20 310 338 684,21 сўм акциялар қўшимча чиқарилишини амалга ошириш орқали Банк устав капиталини оширишга йўналтирилсин;<br>- 2019 йил учун Банк соф фойдасининг 15 331 838 988,98 сўм миқдорда қолган қисми Банкнинг тақсимланмаган фойда ҳисобварағида қолдирилсин. |
| 6. | Стандарт активлар бўйича захирани 2020 йил соф фойда ҳисобига шакллантириш орқали ушбу захирадан 17 356 281 120,18 сўм ўтган йиллар тақсимланмаган фойда ҳисобварағига қайтарилсин. |
| 7. | 7.1. Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан ўтказилган Банкда 2019 йил учун корпоратив бошқарув тизими баҳоланиши ушбу қарорнинг 5-иловасига мувофиқ маълумот учун қабул қилинсин.<br>7.2. Банк Бошқаруви ва Корпоратив маслаҳатчиси Банкда корпоратив бошқарув тизими баҳосини янада ошириш бўйича чоралар кўрсин. |
| 8. | Банк Тафтиш комиссия бир йил муддатга акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишгача қуйидаги таркибда тасдиқлансин:<br>– Каххоров Азизжон Ахрор ўғли – “UzAssets” АЖ Бошқарув Раиси ўринбосари в.б.;<br>– Бахтиёров Хумаюн Бобур ўғли – Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлиги Ички назорат ва комплаенс хизмати бошлиғи;<br>– Эргашев Алишер Рахматиллаевич - Ўзбекистон Республикаси Давлат активларни бошқариш агентлиги бош мутахассиси. |
| 9. | Акциядорлар томонидан 2020 йил якунларини кўриб чиқишгача бўлган давр мобайнида аффиланган шахслар билан келгусида Банкнинг кундалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати ушбу қарорнинг 6-иловасига мувофиқ маъқуллансин. |
| 10. | 10.1. Умумий суммаси 19 294 821 750 сўм бўлган номинал қиймати 250 сўм 77 179 287 дона оддий эгасиниг номи ёзилган ҳужжатсиз акциялар қўшимча чиқарилиши амалга оширилсин.<br>10.2. Акциялар қўшимча чиқарилишининг қуйидаги шартлари белгилансин:<br>жойлаштиришни бошлаш санаси: қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органида рўйхатга олинган сана;<br>жойлаштиришни тугатиш санаси: ушбу чиқарилишдаги охирги акция жойлаштирилган сана, лекин акциялар қўшимча чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб икки ойдан кечиктирмасдан тугалланиши керак.<br>жойлаштириш усули: 2019 йил учун Банк соф фойдасини тақсимлаш бўйича қарор қабул қилиш кунидан 3 иш куни олдин шакллантирилган акциядорлар реестрига мувофиқ ушбу чиқарилишдаги акциялар Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига ёпиқ обуна усулида, андеррайтер жалб қилинмасдан биржадан ташқари тартибга солинмаган бозорда битим тузилмасдан жойлаштирилади;<br>акциялар жойлаштириш нарҳи – бир дона акция учун 250 сўм;<br>акцияларни тўлаш: Банк ягона акциядор қарорига мувофиқ акциялар қўшимча чиқарилиши орқали Банк устав капиталига соф фойданинг бир қисмини капитализациялаш орқали амалга оширилади;<br>акцияларни жойлаштириш даври мобайнида акцияларнинг умумий ҳажмниг 100% кам ҳажмда жайлаштирилган тақдирда ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилади.<br>қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган томонидан акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисидаги расмий билдиришномани оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан ўзининг корпоратив веб-сайтида ва Корпоратив ахборот ягона порталида эълон қилади.<br>маблағлар қайтарилиши 5 банк иш куни ичида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. |
| 11. | Акциялар қўшимча чиқарилиши тўғрисидаги қарор ушбу қарорнинг 7-иловасига мувофиқ тасдиқлансин. |

Бошқарув Раиси — Абдукахоров Икрам Абдухаликович

Бош бухгалтер в.в.б. — Примов Акмал Хакимович

Ғазначилик бошқармаси бошлиғи — Садиров Дурбек Мейлижонович